

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**844 Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — Ички ишлар вазирлиги) ва унинг таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

биринчидан — ходимларни, шу жумладан уларни хизмат фаолиятдан ажратмаган ҳолда ўқитиш ва махсус касбий тайёрлаш, мажбурий қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб боришнинг ички ишлар органлари кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш;

иккинчидан — ёшларда ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган дастлабки касбий билим, юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришни назарда тутадиган идоравий олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш бўйича самарали тартибни жорий этиш;

учинчидан — асосий қисми соҳавий фанларни ўқитишдан таркиб топган, шунингдек ҳудудий ички ишлар органларига бевосита чиқишни ва тергов-тезкор тадбирларни ўтказишда иштирок этишни назарда тутган амалий машғулотларни ташкил этишни ўз ичига олган янгиланган таълим стандартлар ва ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

тўртинчидан — таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибини малакали илмий-педагогик, биринчи навбатда соҳавий фанларни ўқитишга ихтисослашган кадрлар билан жамлаш, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассисларни ўқув жараёнига кенг жалб этиш;

бешинчидан — ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни, шу жумладан ситуа-

цион машғулотларни, масофадан ўқитиш тизимини кенг жорий этиш, таълим олувчилар ва ўқитувчиларни глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

олтинчидан — идоравий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини амалиёт эҳтиёжини ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш истиқболларини инобатга олган ҳолда тизимли равишда мақбуллаштириш;

еттинчидан — ички ишлар органлари фаолиятида, биринчи навбатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жиноятларни тергов қилиш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар бўйича фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилиши самарадорлигини ошириш;

саккизинчидан — етакчи хорижий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорликдаги таълим дастурларини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар таркибини, хорижий тилларни ўқитишни назарда тутган ҳолда, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш орқали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

## 2. Белгилансинки:

Ички ишлар вазирлиги Академияси (кейинги ўринларда — Академия) ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академия кундузги таълим шаклига қабул махсус касбий танлов ва яқка тартибдаги суҳбат орқали кириш тест синовларисиз амалга оширилади;

Академияда кадрлар тайёрлашнинг бир поғонали тизими бўйича кундузги таълим шаклининг муддати уч йилни ташкил этиб, ўрнатилган тартибда стипендия тўланади ва моддий таъминоти белгиланади;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Академияда ички ишлар органларида камида уч йиллик иш стажига эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари учун сиртқи таълим шакли жорий этилиб, унда ўқитиш муддати олий маълумотга эга бўлмаган шахслар учун тўрт йил, олий маълумотга эга бўлган шахслар учун тўлов-контракт асосида уч йилни ташкил этади;

Академияда кадрлар тайёрлашнинг бир поғонали тизими дастури бўйича олинаниган олий маълумот магистр даражасига тенглаштирилади;

Академия кундузги таълим шаклига ҳар йилги қабул квотаси 600 кишини, сиртқи таълим шаклига эса 200 нафар ички ишлар органлари ходимларини ташкил этади;

Академия профессор-ўқитувчилари таркиби лавозимларига тегишли соҳада камида ўн йиллик илмий, педагогик ёки амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар шаходатланган лавозимлар ҳисобидан тайинланиши мумкин.

3. Академия Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари негизида — касбий тайёргарлик факультети ташкил этилсин, унинг асосий фаолият йўналашлари этиб, ички ишлар органларининг сержант ва офицер-

лар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш, шунингдек уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш этиб белгилансин.

Белгилансинки:

ички ишлар органлари офицерлар таркиби лавозимларига тайинлаш учун фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаган шахсларни махсус касбий тайёрлаш Академия касбий тайёргарлик факультетида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган олти ойлик дастур бўйича амалга оширилади, унинг якунида «лейтенант» махсус унвони ва тегишли намунадаги диплом берилади;

ички ишлар органлари сержантлар таркиби лавозимларига тайинлаш учун ўрта махсус, касбий ёки олий маълумотга эга бўлган шахсларни махсус касбий тайёрлаш Академия касбий тайёргарлик факультетида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган беш ойлик дастур бўйича амалга оширилади, унинг якунида «кичик сержант» махсус унвони ҳамда тегишли намунадаги диплом берилади;

Академия касбий тайёргарлик факультетига қабул ички ишлар органларининг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган 600 кишигача квоталар бўйича танлов асосида амалга оширилиб, ўрнатилган тартибда стипендия тўланади ва моддий таъминоти белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим мутахассисликлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясидаги таълим мутахассисликлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда идоравий олий таълим муассасаларига, шу жумладан касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш квоталарини кўпайтириш ҳуқуқи берилсин.

5. Академия тузилмасида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) Педагог кадрларни тайёрлаш курси, унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

тизимли равишда ёш ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитувчилик лавозимига тайинланган ички ишлар органлари амалиёт ходимларини қайта тайёрлаш бўйича, шу жумладан республика педагогик олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибини жалб этган ҳолда ўқув курсларини ташкил этиш;

республика олий таълим муассасаларида мунтазам равишда ташкил этиладиган курсларда педагог кадрларнинг малакаси оширишни, уларнинг ҳудудий ички ишлар органларида ўқитиш соҳаси йўналиши бўйича стажировка ўташларини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар таркибидан етакчи хорижий таълим муассасаларида малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни танлаб олиш;

б) Чет тиллар маркази, унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

профессор-ўқитувчилар таркиби, тадқиқотчилар ва курсантлар томони-

дан чет тилларини ўрганиши учун шартнома асосида мазкур соҳадаги юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда қўшимча ўқув курсларини ташкил этиш;

профессор-ўқитувчилар таркиби, тадқиқотчилар ва курсантларни хорижий илмий-маърифий тадбирлар ва семинар-тренингларда иштирок этишга, тажриба алмашишга, хорижий таълим муассасаларида малака ошириш ва стажировка ўташга тайёрлаш;

таълим жараёнида чет тилларни қўллаш асослари бўйича дастурий ўқитишни ташкил этиш орқали ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятини оширишда қўмаклашиш;

в) Илмий-амалий тадқиқотлар маркази, унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолияти бўйича амалий тадқиқотлар ўтказиш, уларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ички ишлар органларига ўта мураккаб, вилоятлараро хусусиятга эга, республикада шов-шувга сабаб бўлган, шу жумладан уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар томонидан содир этилган жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда қўмаклашиш;

тизимли равишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича методик ва амалий қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиш, улардан ички ишлар органлари фаолиятида фойдаланишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2-иловада келтирилган академик лицей ва касбхунар коллежларини Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига (кейинги ўринларда — идоровий академик лицейлар) айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари ходимлари учун зарур бўлган юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, дастлабки касбий билим ва кўникмаларга эга ақлан ва жисмонан етук ёшларни тарбиялаш;

ўқувчиларни Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларига киришлари учун мақсадли чуқур тайёрлаш.

Қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

идоровий академик лицейларининг ўқув-методик жараёни мувофиқлаштириш, уларга амалий жиҳатдан ва ахборот-ресурслари орқали қўмаклашиш — Академия томонидан, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва назоратни ташкил этиш, ташкилий-кадрлар ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини таъминлаш эса — Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан амалга оширилади;

идоровий академик лицейлар директорларининг лавозимлари Академия касбий тайёргарлик факультети бошлиғига тенглаштирилади ва Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ходимлар билан жамланади;

идоравий академик лицейларнинг маъмурий-хўжалик ходимлари ва ўқитувчилар таркибига академик лицейларнинг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари татбиқ этилади;

идоравий академик лицейларни зарур ўқув ва спорт ускуналари, компьютер техникаси ва ахборот-ресурс фондлари билан жиҳозлаш харажатлари таълимга ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

идоравий академик лицейларга қабул Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан ички ишлар органларининг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда белгиланадиган квоталар бўйича танлов асосида амалга оширилади;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Академия кундузги таълим шаклига қабул фақат идоравий академик лицейлар, ҳарбий академик лицейлар битирувчилари, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари таркибидан амалга оширилади;

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтига ва Ҳарбий-техника институтига ўқишга киришда идоравий академик лицейларнинг битирувчилари учун уларнинг тест синовлари давомида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 10 фоизи миқдорига қўшимча баллар тарзида имтиёзли шартлар назарда тутилади;

Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ёнғин хавфсизлиги институти ёки Ҳарбий-техника институтига ўқишга кира олмаган идоравий академик лицейларнинг битирувчилари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган тартибда устунлик асосида ички ишлар органлари хизматига қабул қилинади.

#### 7. Ички ишлар вазирлигининг:

ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг (кейинги ўринларда — ўқув марказлари) ўқитувчилар таркиби — Академия касбий тайёргарлик факультети ўқитувчилар таркибига, уларнинг маъмурий, хўжалик ва бошқа бўлинмалари ходимлари эса вилоятлар ички ишлар бошқармаларидаги шунга ўхшаш бўлинмалар ходимларига тенглаштириш;

ички ишлар органлари сафдорлар таркиби ходимларининг бошланғич тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва малакасини оширишни ўқув марказлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилаш;

ўқув марказларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга методик раҳбарлик қилиш Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан амалга оширилиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Белгилансинки, Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклига ўқишга кирган шахслар — курсантлар қаторига, сиртки таълим шаклига, касбий тайёргарлик факультетига, раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети (олий курслар)га ўқишга кирган, шунингдек ўқув

марказларига юборилган шахслар эса — тингловчилар қаторига қабул қилинади.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги идоравий академик лицейи, шунингдек ушбу таълим муассасасига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомлар;

мутахассислик фанлари кўпайтирилишини назарда тутган ҳолда Академияда ўқитиладиган фанлар учун янгиланган ўқув юкламасининг ҳажми тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жинойатларни тергов қилиш соҳасидаги муаммоларни тадқиқ этиш учун 2018 йил 1 январдан бошлаб Академияда Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш очилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2017 йил 1 сентябргача 2-иловага мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини бино ва иншоотлари, моддий-техник воситалари, ўқув ускуналари ва бошқа мулклари билан бирга, уларнинг маъмурий-хўжалик ходимлари ва ўқитувчилар таркибини сақлаб қолган ҳолда, оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул топширсин, Ички ишлар вазирлиги эса уларни қабул қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда идоравий академик лицейларга айланаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг бўшатилаётган педагог кадрларининг мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштирилишини таъминласин.

15. Ички ишлар вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Академия профессор-ўқитувчилар таркибини малака ошириш ва стажировка ўташи учун, биринчи навбатда иқтидорли илмий-педагогик кадрлар қаторидан, етакчи хорижий таълим муассасаларига юборишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин, бунда номзодларга чет тилларни ўргатиш назарда тутилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда ўрта-махсус, касбий таълим давлат таълим стандарти асосида идоравий академик лицейларнинг чуқур ўргатилиши лозим бўлган мутахассислик фанларини назарда тутган ҳолда ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб идоравий академик лицейларда таълим жараёнини самарали ташкил этиш таъминласин, бунда белгиланган талаблар ижросининг таъсирчан мониторингини амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш ва ўқитувчилар тар-

кибининг малакасини оширишда уларга тизимли равишда зарур методик ва амалий ёрдам кўрсатсин;

2017 йил 1 ноябргача академик лицейлар ўқитувчилар таркиби уларнинг касбий тайёргарлик даражасини ва янги белгиланган талабларга мос келишини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказсин ва унинг натижасига кўра лавозимларни юқори малакали педагогик кадрлар билан жамлашни таъминласин;

қайта ташкил этилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 3-босқич ўқувчилари белгиланган тартибда амалдаги ўқув дастурлари ва таълим шарт-шароитлари бўйича, ушбу таълим муассасаларининг ўқув биноларида ўқишни яқунланишини таъминласин, бунда улар яқин атрофдаги шунга ўхшаш таълим йўналишларидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари рўйхатига киритилиб, уларнинг раҳбариятига ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш юклатилсин;

идоравий академик лицейларга ўқувчиларда ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қилиш, ўқув дастурларни ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларини сифатли ташкил этиш ва ўтказиш масаларида, Ички ишлар вазирлигининг тажрибали амалиёт ходимлари ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибини жалб этган ҳолда, ҳар томонлама кўмаклашсин;

янги мутахассисликлар жорий этилгани ва таълим муддати қисқарганини инобатга олган ҳолда, 2017 йил 1 ноябргача Академияда кадрларни тайёрлаш бўйича янгиланган давлат таълим стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тест синовлари бекор қилиниши ва идоравий академик лицейларда номзодларни мақсадли тайёрлаш тизими жорий этилишини инобатга олган ҳолда, Академияга, шу жумладан сиртқи таълим шаклига номзодларни танлаш тартиби ва ўқишга қабул қилиш қоидаларини тасдиқлашни назарда тутадиган Ҳукумат қарорининг лойиҳасини киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, икки ой муддатда молиялаштирилишининг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда Академияда ситуация полигон қуриш ҳамда Моделлаштириш ва симуляция маркази фаолиятини ташкил қилиш бўйича таклифлар киритсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб ички ишлар органлари ходимларини масофадан, шу жумладан конференция алоқани қўллаган ҳолда, ўқитиш тизimini жорий этилишини таъминласин.

16. Қўйидаги раҳбарларга:

Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг раҳбарлари — ички ишлар органлари ходимларини сифатли ва тўлақонли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича;

худудий ички ишлар органларининг раҳбарлари — идоравий академик

лицейларнинг самарали фаолият кўрсатиш, ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишида уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек ўқишга номзодларнинг ҳолисона ва сифатли танлаб олиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

Академияга тўлов-контракт асосида амалга ошириладиган ўқитишнинг маблағлари, унинг бюджетдан ташқари Жамғармасига жамланади, уларнинг камида 70 фоизи ўқув ва моддий-техник базани ривожлантиришга, 30 фоиздан ошмаган қисми эса ишда юқори натижаларга эришган профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимларни пул таъминотининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик моддий рағбатлантиришга йўналтирилади;

Олмалик, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида жойлашган ўқув марказларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш — Ички ишлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, Фарғона ва Даштобод шаҳарларида эса Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармасининг юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

18. Ички ишлар вазирлиги:

Академияда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб янги киритилган мутахассисликлар бўйича ўқитишни таъминласин;

бир ойлик муддатда ушбу қарор талабларига мувофиқ равишда Академия ҳамда идоравий академик лицейларнинг уставларини, ўқув марказлари тўғрисидаги низомини, шунингдек уларнинг штат жадвалини ва моддий-техник жиҳозланиш нормативларини тасдиқласин;

2017 йил 20 сентябргача Академиянинг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш, шунингдек ички ишлар органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тасдиқлансин, бунда масофадан ўқитиш шакллари қўлланиши ва сайёр ўқув машғулотлари ўтказилиши кўзда тутилсин;

уч ой муддатда идоравий академик лицейлар ўқувчилари учун кийим намуналари, шунингдек ушбу таълим муассасаларининг ўзига хослигини акс эттирувчи рамзий белгиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ички ишлар органларининг, биринчи навбатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда муаммоларни илмий тадқиқ қилишни ташкил этиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин, бунда ўз тадқиқотларининг натижаларини амалиётга самарали жорий этган изланувчиларнинг рағбатлантирилиши назарда тутилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг Ички ишлар вазирлигига топширилишини ҳисобга олган ҳолда, харажатлар сметасига тегишли ўзгартишлар киритсин;

идоравий академик лицейларда ўқув-тарбия жараёнининг янада юқори ташкилий ва касбий даражада амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, уларнинг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ички ишлар вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасидан зарур маблағлар ажратилиши назарда тутилсин.

20. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, хорижий давлатлар давлат кредитлари ва халқаро молия ташкилотлари маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 16 август,  
ПҚ-3216-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 16 августдаги  
ПҚ-3216-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академиясидаги таълим мутахассисликлари  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Мутахассислик номи	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
<b>I. Олий маълумотли кадрларни ўқитиш</b>				
1.	Тергов фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
2.	Тезкор-қидирув фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
3.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
4.	Эксперт-криминалистик фаолият	юрист	кундузги	3 йил
5.	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
6.	Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш	юрист	кундузги	3 йил
7.	Жиноятларни олдини олиш ва фoш этиш фаолияти	юрист	сиртқи	4 йил / 3 йил*
<b>II. Раҳбар кадрларни тайёрлаш</b>				
8.	Ички ишлар органларининг бошқарув фаолияти	менеджмент (олий маълумот негизда)		1 йил
<b>III. Касбий тайёргарлик факультетида кадрларни ўқитиш</b>				
9.	Профилактик фаолияти	мутахассис		6 ой
10.	Йўл-патруль фаолияти	мутахассис		6/5 ой**
11.	Миграцияни ва фуқароликни расмийлаштиришни таъминлаш фаолияти	мутахассис		6/5 ой**
12.	Патруль-пост фаолияти	мутахассис		6/5 ой**
13.	Қўриқлаш фаолияти	мутахассис		6/5 ой**
14.	Жазони ижро этиш фаолияти	мутахассис		6/5 ой**
15.	Маъмурий фаолиятни таъминлаш	мутахассис		6/5 ой**

\* Ички ишлар органларида камида 3 йиллик иш стажига эга ходимларнинг сиртқи таълим шаклида ўқиш муддати олий маълумотга эга бўлмаганлар учун — 4 йил, олий маълумотга эга бўлганлар учун эса 3 йилни ташкил этади.

\*\* Офицерлар таркибидаги лавозимларга тайинланиш учун фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаган шахсларни касбий тайёрлаш — олти ойлик дастур бўйича, сержантлар таркибидаги лавозимларга тайинланиш учун — ўрта махсус, касбий ва олий маълумотга эга бўлган шахсларни касбий тайёрлаш — беш ойлик дастур бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 16 августдаги  
ПҚ-3216-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг  
академик лицейларига айлантириладиган академик  
лицей ва касб-ҳунар коллежлари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Ўзгартириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг номи</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг номи</b>
1.	Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-сонли Нукус академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоқ академик лицейи
2.	Андижон машинасозлик институти қошидаги академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Андижон академик лицейи
3.	Бухоро давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Бухоро академик лицейи
4.	Жиззах педагогик институти қошидаги 2-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи
5.	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қашқадарё академик лицейи
6.	Навой информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Навой академик лицейи
7.	Наманган давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Наманган академик лицейи
8.	Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд академик лицейи
9.	Гулистон давлат университети қошидаги 4-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Сирдарё академик лицейи
10.	Термиз давлат университети қошидаги 5-сонли Жарқўрғон академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Сурхондарё академик лицейи
11.	Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1-сонли Тошкент академик лицейи
12.	Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2-сонли Тошкент академик лицейи
13.	Фарғона политехника институти қошидаги 3-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Фарғона академик лицейи
14.	Урганч давлат университети қошидаги 3-сонли академик лицейи	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи